

HURRIYAT


1996-yil dekabr
chiqa boshlagan

MUSTAQIL GAZETA

Яшашдан
мақсад нима?

Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист
Шухрат ЖАББОРОВ:

Одам боласи инкубатордан чиқадиган
жонивор эмаски, ҳаммаси
бир хил муҳрланган бўлса.



5 → Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ: ИСТЕЪДОД ШАХСИЙ МУЛК ЭМАС

Ёхуд ҳукуматни ҳай-ҳайлаб туриш санъати

Газетанинг ҳибсага олинган бош муҳаррири бошчилигидаги таҳририят аъзолари шундай қабилликка боришганки, қотиллар томонидан ўғрилаб кетилган ва кейинчалик ўлдирилган қизнинг арвоҳини ҳам топташган.

7 → Абдумансур ҒАФҒОРОВ: Икки дунё бир қадам

Ўғлим, боланга яхши нарсаларни
ўргатавер, ёмонини ҳаётнинг ўзи ўргатади

Дунё совхоз идорасининг ортида тугамас, ҳамма
ишда ҳам тартиб бўлавермас экан...

8 → Орифжон ОДИЛОВ: Самарқандга десант тушди.

Ёш шоирлар десанти

Қардошлар бир-биримизни соғинганимизни ҳис
этдик. Энди бундай йиғинлар анъанага айланиши,
тўхтаб қолмаслиги лозим.

» Тафсилот

Шу йил 22-23 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми бўлиб ўтди. Форум Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллигига бағишланди.

Ғулом МИРЗО

Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист

Ушбу йирик халқаро анжуман бугун миллий тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйган. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро тузилмалар билан яқин ҳамкорликни кенгайтираётгани ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш борасида ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар билан амалий мулоқотларни йўлга қўйганининг яна бир тасдиғи бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми иштирокчиларига йўлаган табригида таъкидлаганидек, **“биз ана шу муҳим ишларни қатъий давом эттираемиз. Бизнинг устувор вазифамиз инсон салоҳиятини рўёбга чиқаришга ҳар томонлама қўмаклашиш, унинг асосий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашдан иборат. Бу жамиятда тинчлик ва барқарорлик, фаровон ҳаётни таъминлашнинг асосий шартидир”.**

Шундай катта анжуманнинг Ўзбекистонимизда, афсонавий шаҳар — Самарқандда ташкил этилгани бизга катта фахр ва ғурур бағишлайди. Одатда, қаерда бағрикенглик бўлса, ўша ерда инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилинган, деб қаралади. Самарқанд турли миллатлар, динлар, тиллар, маданиятлар ўзаро бирлашган, бағрикенг ва бахтиёр инсонлар яшайдиган тинч-осуда шаҳардир.



Алишер ИСРОИЛОВ (ЎЗА) фотолари

Инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш —

тинчлик, барқарорлик ва фаровон ҳаётнинг асосий шарти

Бугун, таассуфки, миллатлараро, динлараро зиддиятлар дунёни зир титратмоқда. Самарқандда халқаро анжуман бўлиб

ўтаётган кунлари эса, “International SOS” ва “Control Risks” компаниялари экспертлари томонидан Ўзбекистон Марказий

Осиёдаги энг осойишта мамлакат сифатида эътироф этилди. Юртимизда сайёҳлар учун хавфсизлик Европа Иттифоқи давлат-

ларида бўлганидек энг юқори даражада экан!



КЕЙИНГИ СОНЛАРДА:



Турдимуро
МУСТАФОЕВ:

Ўртага
Ватанимиз ори,
халқимиз
номуси тикилганди

“Энди эса бир лаҳза
Она Ўзбекистонимизни
ёдга оламиз”, дедим-да,
чўнтагимдан телефонимни
чиқариб, Мадҳиямизни
қўйдим.



Холида
ФАЙЗИЕВА:

Семизликни
қўй кўтаради

Дунёдаги энг “семиз”
мамлакат, энг семиз
шаҳар қаерда, биласизми?



Асрий орзулар рўёби


Истиқлол бизга энг азиз, ноёб ва муқаддас неъматларни — ўзлимизни, тилимизни, динимизни, бебаҳо қадриятларимизни, буюк тарихимизни, аждоқларимиз меросини қайтариб берди. Бугун юрт обод, тинч-осойишта ва саришта, халқимиз эса дунёга танилди, ҳеч қайси давлатдан кам эмаслигимизни амалда намойиш этиб, янада юксалмоқдамиз.

Ғайрат ШИРИНОВ

ЎЗА муҳбири

Эришилган барча ютуқлар замирида ҳам мустақкам пойдевор, ҳам таянч устуни вазифасини ўтаётган буюк тарихий ҳужжат — мустақил давлатимизнинг Бош қомуси, 1992 йилнинг 8 декабрь кунини Ўзбекистон Республикаси XII чақириқ Олий Кенга-шининг XI сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси-дир.

Мазкур тарихий ҳужжат айрим қонунлар мажмуигина эмас, балки ягона ғоя, ман-тик, ўзак йўналиш билан йўғрилган бир бутун, яхлит, буткул бир муқаддас ҳужжат ҳисобланиб, у ўзида халқи-мизнинг нафақат бугунги, балки узоқ истиқболдаги тақ-дирини хал этишга қаратилган муноса-батларни мужассам-лаштирган.



Ўзбекистон халқ шоири

Усмон АЗИМ:

Мен “Hurriyat”га ишонаман!

Айрим журналистлар, одамлар биз нима ёзсак, ишонади, деб ўйлайди. Хомхаёл экансиз, одамлар сиз ўйлаганчалик гўл эмас! Бекорга ўзингизни алдаганингиз қолади. Газетангизни ўқишларини хоҳлайсизми, марҳамат, ҳақиқатни ёзинг, ҳаётни ёзинг!

“Hurriyat”га келсак, қадам олишларидан шу йўлдан бораётган-га ўхшаяпти. Одамлар билан диллашадиган сиёғи бор. Мен шунга ишондим.

Қани, сиз ҳам обуна бўлиб кўринг.
Пушаймон бўлмайсиз!

» Уюшма фаолиятидан

Улкан ўзгаришлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ

Бу ҳақиқат Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан Урганчда ўтказилган минтақавий конференцияда яна бир бор таъкидланди

Жобир ХЎЖАКУЛОВ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзга-ришлар бугунги кунда нафақат шаҳарларимиз, балки қишлоқ ва маҳаллаларимизнинг қиёфаси-ни тубдан ўзгартирмоқда. Мухими бундай муно-сабатдан аҳоли мамнун. Қишлоқ ва маҳаллалар-даги муаммолар яқинда пайдо бўлгани йўқ. Балки йиллар давомидаги эътиборсизлик ва лоқайдлик сабабли айрим ҳудудларимиз кўздан панада қолган эди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан қишлоқ ва маҳаллаларни ободонлаштириш борасида тегишли ташкилот-лар олдида қўйилган вазифалар самарасида кенг қўламли ишлар бутун Республикаимиз бўйлаб қулоч ёйди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги “Обод қишлоқ” дастурига оид фармо-ни ва “Обод қишлоқ” дастурини 2018 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбир-ларга бағишланган қарори ҳамда шу йил 27 июндаги “Обод маҳалла” дастурига доир фармон ва қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.



Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси қошидаги Халқаро шарҳловчилар кенгаши томонидан Миллий матбуот марказида ўтказилган йиғилишда ушбу саволга жавоб берилди.



Шонозар Шонидов фотоси

Халқаро шарҳлар ишонарлими?

Жобир РАЗЗОҚОВ

Тадбирда мамлакатимизнинг етакчи оммавий ахборот воситалари вакиллари, Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон Давлат ҳаҳон тиллари университети, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникация университети профессор-ўқитувчилари ва талабалар иштирок этди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси ўринбосари Холмурод Салимов, Халқаро шарҳловчилар кенгаши раиси Қобилбек Каримбеков ва бошқалар мамлакатимиз ииминини халқаро майдонда шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва халқаро таъриба, шунингдек, халқаро шарҳларни тайёрлашда қўйиладиган талаблар самарадорлиги, таъсирчанлигини ошириш тўғрисида сўз юритишди.

Анжуманда халқаро жамоатчилик билан алоқалар, интернет тармоғида журналистлар одоб-ахлоқ меъёрларига амал қилиш қоидаларига оид масалалар буйича фикр алмашилди.

— Дунё ҳамжамиятида Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир, — деди Қобилбек Каримбеков (суратда чапда). — Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таъдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътирофи этилган бошқа қоидаларига асосланади. Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари халқаро шарҳларни беришда ана шу омилларга амал қилади. Хорижий давлатлар ҳаётига оид сиёсий воқеалар моҳиятини тўла англамаган ҳолда шарҳлаш кескин вазиятларни келтириб чиқариши мумкин. Эҳтиёткорона ёндашув ва ҳар бир сўз масъулиятини ҳис қилиш халқаро шарҳловчининг зиммасидаги масъулият ҳисобланади. Бу борада бугунги ёш шарҳловчилар устозлардан таъриба ўрганишга кунт қилишлари зарур. Кенгаш фаолиятини ривожлантириш бевосита халқаро шарҳларни ёрида оладиган журналистларни тайёрлашга ёрдам беради.

Йиғилишда терроризм, экстремизм, наркотик моддалар контрабандаси, экологик инқирозлар билан боғлиқ муаммоларнинг долзарблиги охиб бораётган, улар ҳақида ҳар кун хорижий оммавий ахборот воситаларида бонг урилаётган ҳозирги даврда миллий матбуотимизда айна мавзулардаги чиқишлар озлиги айтиб ўтилди. Мамлакатимизнинг хорижий давлатлар билан тенг ҳуқуқли, дўстона муносабатларининг тобора мустаҳкамланиб бораётган йўналишлари кенг ва таҳлилий акс эттирилган материалларга ўқувчиларда катта эҳтиёж бор.

— Давлатимиз раҳбари раҳнаомалигида ташқи сиёсатда, айниса, қўшни давлатлар билан алоқаларимиз мустаҳкамланмоқда, — дейди "Дунё бўйлаб" телеканали бош муҳаррири Гофур Жамол (суратда ўнгда). — Йиллар давомида халқимизни безовта қилиб

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ҲАЁТИГА ОИД СИЁСИЙ ВОҚЕАЛАР МОҲИАТИНИ ТўЛА АНГЛАМАГАН ҲОЛДА ШАРҲЛАШ КЕСКИН ВАЗИЯТЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРИШИ МУМКИН. ЭҲТИЁТКОРОНА ЁНДАШУВ ВА ҲАР БИР СЎЗ МАСЪУЛИЯТИНИ ҲИС ҚИЛИШ ХАЛҚАРО ШАРҲЛОВЧИНING ЗИММАСИДАГИ МАСЪУЛИЯТ ҲИСОБЛАНАДИ.

қилган муаммолар ўз ечимини топмоқда. Кимгадир бу ишлар осон ҳал бўлаётгандек туюлиши мумкин, бироқ ундай эмас. Эришилаётган ютуқларни халқимизга тўғри ва таҳлилий тўшунтириш борасида халқаро журналистларимиз фаол бўлишлари лозим. Кўча-кўйда одамлар дунёда бўлаётган воқеаларни кўп муҳокама қилади. Бу — табиий. Бироқ, уларнинг гапларига қўлоқ тутсангиз, хорижий оммавий ахборот воситалари нуктан назаридан келиб чиқиб жараёнга баҳо бераётганига ғувоҳ бўласиз. Бу миллий оммавий ахборот воситаларимизнинг энг катта ютқиғи. Чунки биз халқаро майдонда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга Ўзбекистон позициясини келиб чиқиб, зарур ахборотни етказиб беролмаяпмиз. Ёки бизнинг шарҳларимиздан томошабин ўзи учун зарур маълумотни ололмапти, десак хато бўлмайди. Ўйлайманки, кенгаш халқаро шарҳловчиларнинг янги авлодини тарбиялашда кўмаки бўлади.

Анжуманда халқаро шарҳловчилар мактабинини шакллантириш ва кенгаш фаолиятини ривожлантиришга доир аниқ йўналишлар белгилаб олинди.

Улкан ўзгаришлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ

1

Ушбу ҳужжатларга биноан жорий йилда республикада 370 қишлоқ ва маҳаллани ободонлаштириш кўзда тутилган. Қишлоқ ва маҳаллаларимизда кенг қўлми ободонлаштириш, қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга ошириляпти. Кам таъминланганлар турар жойини таъмирлаш бўйича кўрсатилятган кўмак, кўча ва йўллар, газ, сув, электр тармоқларидаги, мактаб ва боғчалардаги таъмирлаш-ободонлаштириш ишлари минглаб одамларнинг оғирини енгил қилиб, эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамламоқда.

Қишлоқ аҳоли пунктларининг меъморий қиёфасини тубдан янгиллаш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш бўйича улкан ишлар бажарилмоқда.

Бундай эзгу сазй-ҳаракатлар Қорақалпоғистон Республикасида ва Хоразм вилоятида ҳам жадаллик билан олиб борилмоқда. Жорий йилда Қорақалпоғистон Республикасида ўттизга яқин, Хоразм вилоятида эса йигирмага яқин қишлоқ ва маҳалла ободонлаштириш дастурига киритилган.

Ҳудудларни ободонлаштиришда аҳоли учун қўлай шарт-шароитлар яратиш ва уларнинг турмуш маданиятини янада юксалтиришга, энг асосийси, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ушбу жараёни оммавий ахборот воситалари орқали халқимизга етказиш ва жамоатчиликда ислохотлар жараёнига янгича қарашни шакллантириш журналистлар зиммасига катта масъулият юкляди. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида фаолият олиб бораётган оммавий ахборот воситалари — газета ва журналлар, телерадиоканаллар ҳамда веб-сайтларда эзгу ишлар ҳақида мунтазам материаллар эълон қилинмоқда. Бу борадаги вазифаларни янада такомиллаштириш ва "Обод қишлоқ" ҳамда "Обод маҳалла" дастурлари ижросига бағишланган материаллар савиясини ошириш мақсадида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан жорий йилда қатор минтақавий конференциялар ўтказилди. Урганч шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўтказилган навбатдаги минтақавий конференция ана шу ишларнинг давомидир.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Хоразм вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси, Республика товар-ҳомаше биржаси, Журналистлар ижодий уюшмасининг Хоразм вилояти бўлими билан ҳамкорликда Урганч шаҳрида "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари ижроси оммавий ахборот воситалари нигоҳида мавзуда ўтган минтақавий конференция бу борада амалга оширилятган ишларнинг сарҳисобига бағишланди.

Дастлаб тадбир иштирокчилари Хоразм вилояти марказида бўлиб ўтилган ало-Хоразмий ҳайкали пойига гул қўйишди.

Хоразм вилояти қасаба уюшмаси қўмитаси мажлислар залида ўтказилган конференцияда ҳудудий оммавий ахборот воситаларида ушбу дастурларнинг ёритилиши, бу борадаги ютуқ ва камчиликлар атрофида таҳлил этилди.

— Биз Урганчга кўнар эканмиз, юксакликдан обод йўллари, янги қурилган уйлари кўриб, кўзимиз қувонди, — деди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Саъдулла Ҳакимов. — Бамисоли илға тизилган маржон дейсиз. Бу шундан далолот берадики, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида одамларимиз учун зарур турмуш шароитлари яратилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, "Обод қишлоқ" дастури одамларнинг дунёқарашини ўзгартирмоқда. Бир вақтлар қўшқларда айтилган "Бир келиб кетинг, қишлоғимизга" мисраси бугунги кунда янги мазмунда, янги оҳангда жарангламоқда. Мана шундай мисли қўрилмаган жараёнларнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб



қилиш, ҳаётимиздаги ижобий ўзгаришларни таҳлил этиб, жамоатчиликка етказиш, мавжуд муаммолар, камчиликларни аниқлаб, ҳозиржавоблик билан ёритиш биз, журналистлар зиммасига катта масъулият юкляди. Ҳўш мана шундай муҳим мавзулар Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти оммавий ахборот воситаларида қандай ёритилмоқда? Бу борада қандай ижобий таърибалар мавжуд? Қандай ўзига хос ижодий ёндашувлар кузатилмоқда?

Тўғри, маҳаллий раҳбарларнинг масъулиятсизлиги оқибатида уй-жой фондлари йиллар дамида таъмирланмасдан қолган. Журналистлар томонидан аниқланган бундай камчиликларни ошкор этиш билан бирга, назаримда, рўй бераётган илгор ишларни кенг жамоатчиликка етказиб бериш ҳам биз журналистларнинг биринчи галдаги вазифамиздир. Шунингдек, дастурга биноан обод этилятган қишлоқ ва маҳалла фуқаролари бундай шароитлардан кейин ўзларини қандай ҳис этмоқдалар? Бунёд этилган ижтимоий объектлар, йўллар, уйларнинг қадрига етиляптими? Қишлоқларда маданий тадбирларни ташкил этиш, айниса, китобхонлик маданиятини тарғиб қилиш қай аҳволда? Бу мавзулар журналистларимиз эътиборидан четда қолмаслиги лозим.

Тадбир доирасида Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси ҳамда Республика товар-ҳомаше биржаси ўртасида тузилган "Дўстлар клуби" томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Қонлиқўл туманининг "Қонлиқўл хабарлари" ва Хоразм вилояти Янгиариқ туманининг "Янгиариқ овози" газеталари тахририятларига компьютер жамланмалари, шунингдек, "Обод қишлоқ" дастури ижросини ёритишда фаол иштирок этган бир қатор журналистларга эсдалик совғалари топширилди.

Амударёнинг кўйи қисми, Орол денгизининг жанубий соҳилида жойлашган Қорақалпоғистон Республикаси бугун янги давр нафаси билан яшамоқда. Барча ҳудудлар сингари Қорақалпоғистонда ҳам қўллаб соҳаларда барқарор ўсиш суръатлари яққол намоён бўлмоқда. Шунингдек, мазкур икки дастур ижроси бўйича бир неча қишлоқ ва овул ободонлаштирилмоқда. Қорақалпоғистонда 60 оммавий ахборот воситаси, 52 газета-журнал, 5 телеканал, 3 радио ва битта ахборот агентлиги мавжуд. Мазкур дастур мазмун-моҳияти ва уларнинг ижросини халқимизга етказишда ҳудуддаги оммавий ахборот воситалари фаоллик кўрсатмоқда.

— Қонлиқўл туманидаги "Бескўпир" ва "Бўстон" овул фуқаролар йиғинлари ҳудудларида "Обод қишлоқ" дастури асосида ободонлаштириш ва қурилиш ишлари олиб борилмоқда, — дейди "Қонлиқўл хабарлари" газетаси бош муҳаррири М.Дарёбоев. — "Бескўпир" овулида "Агро бизнес Қонлиқўл" МЧЖ томонидан 28 минг бош товуққа мўлжалланган паррандачиликни ташкиллаштириш режалаштирилган. Овулда "Асембоғ" хусусий корхонаси томонидан 50 ўринга мўлжалланган хусусий нодавлат шерикчилик асосида, мактабгача таълим муассасаси қурилиши давом этаётти. Тумандаги "Бўстон" овулида ҳам дастур доирасида кўзда тутилган бунёдкорлик юмушлари бажарилляпти. Газетамизда ушбу овул-

ТАДБИР ДОИРАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАР ИЖОДИЙ УЮШМАСИ ҲАМДА РЕСПУБЛИКА ТОВАР-ҲОМАШЕ БИРЖАСИ ЎРТАСИДА ТУЗИЛГАН "ДЎСТЛАР КЛУБИ" ТОМОНИДАН ҚОРАҚАЛПОГИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНЛИҚЎЛ ТУМАНИНИНГ "ҚОНЛИҚЎЛ ХАБАРЛАРИ" ВА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ЯНГИАРИҚ ТУМАНИНИНГ "ЯНГИАРИҚ ОВОЗИ" ГАЗЕТАЛАРИ ТАХРИРИЯТЛАРИГА КОМПЬЮТЕР ЖАМЛАНМАЛАРИ, ШУНИНГДЕК, "ОБОД ҚИШЛОҚ" ДАСТУРИ ИЖРОСИНИ ЁРИТИШДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТГАН БИР ҚАТОР ЖУРНАЛИСТЛАРГА ЭСДАЛИК СОВҒАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ.

ларда амалга оширилятган ободончиликларни батафсил ёритишга ҳаракат қилаямиз. Тўғри, бу жараён мазмун-моҳиятини туманимиз аҳолисига тўшунтириш ва етказиш бўйича ижодий ишларимизни янада ривожлантиришимиз керак. Бугунги конференцияда билдирилган тақдир билан мулоҳазаларга катта эътибор қаратамиз. Тахририятимизнинг компьютер жамланмаси билан тақдирлангани ишимиз савиясини оширади. Бунинг учун жамоамиз номидан миннатдорлик билдираимиз. Газета тахририятининг моддий техник аҳолини яхшилаш кун тартибидеда турган масала эди.

Танқидий-таҳлилий руҳда ўтган конференцияда оммавий ахборот воситаларида мазкур мавзунини қамраб олган мақолалар сони ва савиясини ва журналистлар масъулиятини ошириш бўйича тақдир-таъсиялар ишлаб чиқилди.

Конференцияда иштирокчилари Хоразм вилояти Қўшқўпир туманининг Туркменистон билан чегарадош энг чекка ҳудудида жойлашган Оқдарбанд қишлоғида олиб борилятган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Дастур доирасида Оқдарбанд қишлоғидаги "Ошоққалъа" маҳалласида катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилган. Жумладан, 6,2 километр ичимлик суви, 25 километр электр энергияси тортилган, 9,5 километр йўл асфальт қилинган. Тунда кўчаларни ёритиш учун замонавий ускуналар, қатнов йўлининг хар икки четидеда сув йўлларига лотоклар ўрнатилган. Ҳозиргача маҳалладаги барча уй-жой таъмирланган. Кам таъминланган оилалар учун қирқта арзон уйлар барпо этилган. Улар кам таъминланган ва имконияти чекланган оилаларга берилади. Уйларнинг бошланғич нархи давлат томонидан тўлаб берилятганидан фуқаролар мамнун. Бундан ташқари, яъни, маҳалла ҳудудида ёшлар маркази, нонвойхона, ҳаммом, тўйхона, 70 ўринли болалар боғчаси, 7 болалар майдончаси каби қатор ижтимоий объектлар барпо этилган.

— Бу улкан ўзгаришлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ, — дейди "Ошоққалъа" маҳалла фуқаролар

йиғини раиси Шоназар Назаров. — Бу улкан ўзгаришлар замирида одамларимизнинг орзу интилишлари, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва ғайрат-шижоати муҳассамлигини бугун бутун халқ билади. Янгиланиш халқимизнинг, айниса, ёшларимизнинг дунёқарашини бутунлай ўзгартирмоқда. Маҳалламизда 5 мингга яқин аҳоли яшайди. Шу кунгача баъзи фуқаролар кўчасини тозалаш, деворини оҳлаб қўйишга ҳафсала қилмасди. Тўғри айрим фуқароларимиз бу юмушларни бажариш учун моддий имконияти етишмаслигидан нолишарди. Қишлоғимизда бунёд этилган йўллар, янги уйлар, бинолар, ҳовиллар олдидеда гулзорлар, хиббонларга кўзимиз тушиб, дилимиз яйрайди. Нахотки, шу қурилишлар бизнинг маҳалламизда бўляпти, деган фикр ҳам гоҳи-гоҳида қўнғимиздан кечеди. Эндиликда одамларимиз ана шу имконият ва шарт-шароитларга муносиб бўлишга интиляптилар.

Конференцияда иштирокчиларида маҳаллада барпо этилган Маданият уйи ва унда ташкил этилган кутубхона ҳамда тикувчилик цехидаги шарт-шароитлар катта таассурот қолдирди. Тикувчилик корхонаси "Дарбанд чеварлари" масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил қилинбди. Хусусий корхонага Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг маблағлари кўмагида юзта тикув машинаси ўрнатилган. Бугун бу муассасада "Оқдарбанд" қишлоғининг аёллари иш билан банд. Улар тикаётган кийим-кечакларга талабгорлар сони ортиб бормоқда.

Анжуман иштирокчиларининг навбатдаги манзили Хива шаҳри бўлди. Тарихий Хива шаҳри кейинги бир йилда катта ўзгаришлар оғушида яшамоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Урганчдан Хивагача бунёд этилятган темир йўл сайёҳларга катта қўлайлик яратди. Шунингдек, шаҳарда меҳмонларни қутиб олиш учун замонавий вокзал биноси ҳам қад ростляпти. Журналистлар "Обод маҳалла" дастури асосида шаҳардаги "Газчи" маҳалласида қурилиш, бунёдкорлик ишлари билан танишдилар.

— Хоразм вилоятида ўтган конференция доирасида "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини жойларда бажарилишини кўриб, катта таассурот олдим, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты Эркин Холбўтаев. — Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган бу икки йирик дастурга ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ. Шундай бўлса-да, унинг бажарилиши кишини ҳайратга солади. Қисқа вақтда чекка қишлоқ ва маҳаллаларда ана шундай ободонлаштириш ишлари бажарилди деган, яъни, икки-уч йилда бутун республикамиздаги қишлоқлар ўзгача қиёфага кирди. Бу ерда гап фақат қишлоқларни ободонлаштиришда эмас, балки одамларни иш билан таъминлашга, уларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашга бўлган талабини қондирилятганига эътибор қаратиш керак назаримда. Ҳамма жойда ва барча соҳаларда ўзгаришлар бўлятганини одамлар ўз ҳаёти, маҳалласи, қишлоғи мисолида ҳис қилиши керак. Бунда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутди. Анжуманда ана шу омилларга алоҳида эътибор қаратилгани жуда хайрли иш бўлди.

Журналист касбига доир одоб-ахлоқ кодекслари турлича номларда дунёнинг кўплаб мамлакатларида қабул қилинган. Уларда журналистнинг жамият ва ўз сўзи олдидаги масъулияти, касбига доир фаолиятида амал қилиши лозим бўлган талаблар белгилаб қўйилган.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

“Жаҳон адабиёти” журнали
бош муҳаррири

ФОНИЙ ДУНЁДА ИДЕАЛ МУҲАББАТ

1918 йили қабул қилинган “Француз журналистларининг касб мажбуриятлари кодекси”да ёлгон, тўхмат, асоссиз айблов, кўчирма-чилик (плагиат), ҳужжатларни сохталаштириш, факт ва рақамларни қасддан бузиб ёзиш, шарҳлаш, ёзган мақоласи ёки бирор фактни (воқеа тафсилотини) атайлаб яширгани учун пул олиш оғир жиноят, деб кўрсатилади. Шу ҳужжатда яна — журналист касбига доир фаолият олиб бораётганида полициянинг ўшаёқ кетмаслиги, суҳбатдошини сўроқ-қистовга олмаслиги, унга дўх уриб, пўписа қилмаслиги ҳам айтиб қўйилган.

Англияда матбуот ҳақида махсус қонун қабул қилинмаган. Журналистлар умумий қонунчилик (масалан тўхмат, судни ҳақоратлаш, давлат сирини саклаш каби қонунлар) талаблари асосида фаолият юритадилар. Инглиз журналистларининг касбий тарбияси бу мамлакатда оммавий ахборот воситалари фаолиятига доир шаклланди. Механизмларда ўз аксини топган дейиш мумкин. “Темир хоним” деб ном қилган Маргарет Тетчер ҳукуматида матбуот котиби бўлиб ишлаган сэр Бернард Ингэмунинг эътирофига, Буюк Британияда ҳукумат ва матбуот муносабатлари “муҳаббат ва нафрат” асосида қурилган.

“Матбуот Англияда жуда ҳам эркин, — дейди у. — Бунинг ҳеч ҳайрон қолдирган жойи йўқ. Инглиз парламенти — жамки парламентларнинг онахони. Инглизлар ҳукуматга таъсир кўрсатиш билан боғлиқ 800 йиллик таърибига эга. Худди шундай, бизнинг матбуоти-миз ҳам, мана, 800 йилдирки, эркин бўлиш йўлида муттасил кураш олиб бормоқда. Биз 800 йилдан бери ҳукуматни ҳай-ҳайлаб туришнинг янги усул ва услубларини қидирмоқдамиз. Аммо... бу йўлда эришган ютуқларимиз: фониий дунёда энг идеал муҳаббатни қидираётган ошқиларнинг ютугидан биров дурустроқ ҳолос”.

ХОЛИС, ҲАЛОЛ ВА АДОЛАТЛИ БЎЛИ

Собиқ матбуот котибининг фикрича, матбуотда давлат секторининг йўқлиги Англияда оммавий ахборот воситалари эркинлигининг ғоят муҳим шарт. Чунки, бу ерда солиқ тўловчилар анойи эмас, ҳукуматнинг наشري учун жонини қийимлайди. Сиёсий партиялар реклама учун телеканаллардан эфир вақти сотиб олишдан маҳрум. Чунки бунинг илоҳи йўқ.

Бернард Ингэмун бежиз кинога қилмаяпти. Гап шундаки, бундан бир неча йил аввал Англиядек нуфузли мамлакатда чоп этиладиган қатор нашрларнинг бош муҳаррирлари, жумладан, ота-бола мағнат Мэрдоклар тасарруфидаги “Ньюс-Корпорейшн”га қарашли “News of the World” (“Дунё янги-

ликлари”) газетаси журналистлари шов-шувли мақолалар эълон қилиб, мўмай даромад топиш мақсадида наинки журналистиканинг, умуман, инсон эътиҳонини шаънига ўчмас доғ бўлиб тушадиган жиноятларга қўл урганлари маълум бўлди. Улар айни шу мақсадда маҳаллий полиция билан тил бириктириб, минглаб ватандошларининг телефон орқали сўзлашувларини махфий равишда эшитиб борганлар. Газетанинг ҳибсга олинган бош муҳаррири Ребекка Брукс бошчилигидаги таҳрират аъзолари шундай қабиҳликка етиб боришганки, қотиллар томонидан ўғрилаб кетилган ва кейинчалик ўлдирилган Милли Даулер исми қизнинг овозли почтасидаги баъзи маълумотларни ўчириб, тергов ходимларини қалғитишган. Қизчанинг ота-онаси газетга материалларига ишониб, Миллини тирик деб ўйлаб юришган. Бундан ташқари, газетга репортёрлари Лондон полицияси билан биргаликда, мансабдор шахсларнинг шахсий

раён жамият ҳаёти билан уйғун равишда ривожланиши ёки сустлашиб, бир жойда тўхтаб қолади. Бунинг боиси, жамият қандай бўлса, унинг матбуоти ҳам шундай бўлади. Бизнинг бугунги матбуотимиз бундан икки ярим йил аввалги матбуотдан фарқ қила бошлади. Бунинг сезмаслик мумкин эмас. Ўзбекистон миллий ривожланишнинг янги йўлига ўтди, дунёда янги мақомда эътироф этила бошланди. Бинобарин, матбуот ҳам шунга яраша одимлаши, журъот олиши камчи уриши зарур.

Туман газетасида биринчи мақолам чиққанига эллик беш йил бўлди. Бу йиллар мен учун танлаган касбимнинг сир-асрорларини ўрганиш, ижод қаламини қайраш, маҳорат чўққиларини эгаллаш, журналист касбини тушуниш, бунинг учун тинимсиз ўқиш, ўрганиш, хато-камчиликлардан сабоқ чиқариш йиллари бўлди. Хорижий давлатларда бўлиб, тажриба орттирдим. Шу боис, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетини тугаллаб, қўлига диплом олаётган ёш ҳамкасбларимга ҳар йили касбимизнинг ёзилмаган, аммо барчамиз қатъий амал қилишимиз зарур ва шарт бўлган қонунлари хусусида сўзлаб бераман. Бугун матбуотимизда журналист касби этикаси хусусида баҳс бораётган экан, уларнинг айримлари газетхонлар ҳукмига ҳавола этишни лозим кўрдим:

— мақола ёки ҳисоботни муҳаррирга топширишдан олдин уни яна бир бор ўқиб чиқинг, ҳамкасбларга ўқишга беринг, танқидий фикрларини инобатга олинг. Факт ва рақамлар, расмий ҳужжатлардан олинган иқтибосларнинг аниқлигига, суҳбатдошларининг фикрлари тўғри ифода қилинганлигига ишонч ҳосил қилинг. Ўзингизнинг танқидий фикрингизни уларники билан аралаштириб юборманг;

— мақола, ҳисобот ёки репортаж босилиб чиққач, бошқалардан аввал уни ўзингиз таҳлил қилинг: ютуқ-камчиликларини аниқланг. Шундай қилсангиз, ижодий ўсишдан тўхтаб қолмайсиз, маҳоратингиз ошиб боради;

— таҳририятдан топшириқ олар экансиз, уни уddалай олишга ишончингиз комил бўлмаса, мавзунинг яхши билмасангиз, бу тўғрида ўзингиз айтганингиз маъқул. Бундай қилиш

деган экан: “Анор истеъмоқ қилаётганингизда битта донаси ерга тушиб кетади. Бу ноёб меванинг инсон вужудида фойдали шираси ана шу кочоқ донада бўлади”. Муҳаррир, ижодий ходим нашрга тайёрланаётган мақолаларни қайта-қайта ўқиганида ҳам, кўпинча битта-яримта хато ўтиб кетади. Ўша битта-яримта, кўзга кўринмас хато қаерда? Сиз бир нарсасида чалғиб, энгилроқ кўз ташлаган саҳифада, ўша саҳифанинг эътибордан четда қолган сатрида, шу сатрининг кўзингиз аниқ тушмаган сўзида;

— бирга ишлаётган ҳамкасбларингизнинг фикрини, шахсий кузатувлари натижаларини ўзлаштирманг. Бирор масала ёки муаммо ечимига доир муҳокамада катнашсангиз, ҳисобот ёзаётганда у ерда айтилган танқид ва тақлифлар, айниқса, ташаббусларнинг муаллифларини айтиб ёзинг;

— танқидда ҳам, мактовда ҳам жўшиб кетманг, ортиқча эътиросга берилманг. Бировни кўкка кўтариш учун бошқа бировнинг инсонийлик гурурини ерга урманг. Мақол, матал, ибора ва образли ўхшатишлардан фойдаланганда эҳтиёт бўлинг. Сўз — отилган ўк, уни қайтариб бўлмайди;

— журналистикада беш-ўн йил аввал ёзган мақола, суҳбат, очерк ёки танқидий мулоҳазаларингиз қаҳрамонларининг кейинги тақдирига қизиқиш, улар билан учрашиш, суҳбатлашиш ғоят муҳим. Бу усул сизга жуда кўп мавзулар ҳақида эътиборга молик ютуқлар ҳам беришини кўрсатилади.

— Машҳур табиб Абу Али ибн Сино анор ҳақида ёзиб, шундай

ти келиб қимматли “масаллик”га айланади;

— бирор муаммони ўрганаётганингизда кимнингдир сизга, сиз ишлаётган таҳририятга ишонч тариқасида маълум қилган хусусий маълумоти ёки бирор ҳужжатдан фойдаланишда унинг розилигини олинг;

— ишга шахсий манфаатингизни аралаштирманг;

— ёзган нарсаларингиздан қоникча бошлаганингиз — ижодий ўсишдан тўхтаётганингизнинг нишониси эканини унутманг;

— Аллоҳдан бериладиган истеъдод шахсий мулк эмас, уни исроф қилманг, беҳуда нарсаларга сарфламаң...

УЙҒОК ФИКР

Журналистика шарафли касб. Хемингуэй, Бернард Шоу, Чингиз Айтматов, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Ўткир Хошимов, Халима Худойбердиева, Хуршид Дўстмухаммад каби кўплаб ижодкорлар бадиий адабиётга журналистика орқали кириб келишган, ижод қаламлари матбуот саҳифаларида, халқ орасида, йўлу чўлларида, турфа хил тақдир эгаларининг дард-ҳасратларини тинглаш асосида, жонли мулоқотлар, баҳс-мунозараларда қайралган. Воқеа-ҳодисаларга бевоқифа гувоҳлик уларнинг қалб қўзларини очган, пишитган. Касбимизга доир одоб-ахлоқ кодекслари нечоғли мукаммал бўлмасин, журналистнинг дард-ҳасратларини замирида ижодий маҳорат, касбга садоқат, имон-эътиқод, маънавий етуклик, сўз масъулияти, уйғоқ фикр, ўткир эҳл муҳассам. Бунинг унутмаслигимиз керак.

Кун пешинга оққан. Деновдаги Саид оталиқ мадрасаси қошида соқоли кўксига тушган чол нигоҳларини олисларга тикканча, хаёлларга ғарқ бўлиб ўтирибди. Унинг ёнига кундалиқ тирикчилик ташвишлари билан оввора деновликлар орасидан ажралиб бир йигит келади. У — меҳмон. Чол иккисининг ўртасида суҳбат чўғ олади.

Мадрасанинг фигони

Сирожиiddин ИБРОҲИМ

“Hurriyat” мухбири

Йигит: — Бобо, бу Сайид оталиқ мадрасаси қачон қурилган ўзи? — Болам, бунинг анигини биз билмаймиз, — дейди чол. — Бировлар уни Шайх Алоуддин Аттор ҳазратлари бош бўлиб барпо этган, деса, бошқалар у зотнинг ўғли ва набиралари мадрасани бошқаришга атаб 26 йил давомда курган, дейди. Шу мадрасада бир замонлар ташкил этилган “Саид оталиқ” мада-

ний маркази раиси бўлган Бердимуродбой, фамилияси-ям нимадир-я... ҳа, Сатторов! Ўша Бердимуродбойнинг айтишича, Шайх Алоуддин Аттор замонда Бухородаги Мир Араб мадрасаси ҳам қурилмаган экан. Мир Араб XVI асрнинг охири, бу мадраса эса XVII асрнинг ўрталарида қурилган эмиш.

Ҳозирги мадрасанинг қаршисида ҳам худди шу каби иморат бўлган экан. Аммо

шўролар замонидан у бузиб олинди, ғиштлари темир йўлдан ҳокимият биносигача бўлган йўлга тўшаб чиқилган. Ана шўйиб, катта бир мадраса — ёдгорлигимиз йўқ қилинган. Хайтовур, буниси сақланиб қолганига ҳам шўқ! Бунинг ҳам ичида босқинчилар кўп бузуқчилик қилишган. Овқат пишираман деб ҳужраларни қоп-қора тутунга тўлдирган, куйдиришганки, қораси ҳамон кетмайди. Худди у истибдоднинг заҳми юракдан кетмагани каби.


Лекин, болам бу мадрасам омонатми, дейман. Устидан сув ўтиб ётибди. Девоглар емирилиб, чўкиб кетяпти. Эътибор берадиган на бир раҳбар бор, на бир ҳимматли бой!

Йигит:

— Мен ҳам шуни сўрамоқчи бўлган эдим, бобо. Беш йил олдин келганимда ҳам пешонасидаги ана у қурилиш бўлаётганидан дарак берадиган темир-терсак ҳавога турганди. Ҳали ҳам шу алфозда.

Чол:

— Бу ёдгорлиқни обод қилиш учун 1997 йилларда бир ҳаракат бошланди. Самарқанддан, Бухородан усталар келиб ишга тушди. Лекин нимадир бўлиб, иш охи-



рига етмай, чала қолиб кетди. Айниқса, мадраса томи тамирланмагани ёмон бўлдики, қор-ёғирнинг шиддатидан чўкиб, нураб кетяпти.

Ҳар доим шу ерга келсам,

мадрасанинг фиғонини ҳис қиламан. Юрагим зирқираб кетади. Бобокалонларимнинг саводи чиққан жой, уларнинг қўллари теккан ғиштлар...

Отаҳон хўрсинди. Меҳмон

йигит мустар. Нимага ҳам отахонни суҳбатга тортидм, деб хижолат чекади. Таскин сўз излайди — бефойда. Бир фурсат ўтиб, чол яна сўз бошлади:

— Ай, болам-а, кўргулик-да. Ана, Денов беклигининг бундан ҳам қадимий қўргони вайрон бўлиб битди. Уч халқали қўргоннинг бир халқасининг ярами ҳам қолмади. Неча асрлар душманлар бу қўргонни ололмай доғда юрганлар. Эр оталардан ёдгорлик эди у...

Менга алам қиладигани нима, биласанми? Қўргоннинг ичи ахлатга тўлиб ётгани. Унинг ичига кириб шундай номаъқул ишларни қилишди. “Бу ер мустабила-лар томонидан Хайит қалдай миллат ўғлонлари шахид этилган жой. Шуларнинг руҳи чиқилмайдими-ай?!” Келганга қўрсатадиган бой-ликларинг-ку, бу қўргону мадраса. Шуларни авайлаш ўрнига қилган ишининг қара, қадр билмас омон бўлгурлар!” дегим келади.

Болам, яна нимани ўйлайман дегин. Шу мадраса ёки қўргон Самарқандда, Бухорода, Хивада, ана борки, Сурхондарёдан бошқа вилоятда бўлганда обод бўп кетармиди? Бундай хор бўлиб ётмасмиди?..

Йигит:

— Бобо, ўқсинманг! Юрагимга бир гап келиб турибдики, шу мадраса тез орада обод бўлиб кетади, насиб қилса! Мана, шунча жой обод бўляпти. Тепасига қарасангиз дўппингиз тушадиган иморатлар қуриляпти. Шуларнинг олдида тарихий бир мадрасани обод қилиш нима деган гап!

Чол:

— Ҳа, болам. Гапинг дилга чироқ ёққандай бўлди. Аллоҳ ўзи бошимиздаги раҳбарларга қувват берсин! Қанийди, тезроқ шу кунларни кўрсам...

Йигит:

— Ана, бобо, бу ишингиз бошқа бўлди. Худо хоҳласа, сиз бу мадрасанинг ярақлаб турганини кўрасиз...

Суҳбат шу тариқа якунига етади. Меҳмон йигит меҳмонда, ўз йўлига равона бўлади. Нуруний чол эса охишта ўрнидан туриб, мадрасанинг ғиштин двори энтикиш ила силайди. Сўнг тек қотари. У деворни суяганими ё деворга суяганими, бир қарашда билиб бўлмайди. Мен ўйлайманки, мадраса девори ҳам, чол ҳам умидга суянишган. Умидлар учқунини сўниб бўлмасдан фурсатни ғанимат билмоқ керакка ўхшайди...

